
ДАНҒАРА ТУМАНИДА 112 НАФАР ИШСИЗ ЁШЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАМИНЛАНДИ.

Данғара туманида ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнатга ўргатиш, ердан унумли фойдаланиб, даромад олишларига шaroит яратиш мақсадида “Ҳар бир ёшга бир гектар” лoйиҳаси доирасида бугун туман ҳoқими бошчилигида тумандаги 112 нафар “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларга 20 сотихдан ер майдони ажратиб берилди. Ажратилган экин ерлари шу куннинг ўзида экинга тайёрланиб, экиш ишлари бошлаб юборилди.

Туман ҳoқими ёшларга ҳар бир қарич ердан унумли ва самарали фойдаланиши, оиласи даромадини яхшилаши кераклиги тўғрисида таклиф ва тавсияларни ҳам бериб ўтди. Ёшлар бундан жудаям мамнун бўлишди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-03-02 17:44:40